



Давлатимиз раҳбари туманни янада ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдирот билан таниди.

Бу борадаги муҳим лойиҳа – “Байт-кўрғон – Паркент” электрлаштирилган темир йўли. Ҳозирда унинг қурилиши жадал кетмоқда. Қарийб 24 километрлик бу йўл фойдаланишга топширилгач, Паркентдан пойтахт-имизга бориш учун катта қудайлик

яратилади, тумanning хушманзара гунашларига саҳатга келиш осонлашди. Унда кунига 275 минг нафар-гача йўловчи ташилиши ҳисоб-китоб қилинган. Умуман, бунинг натижа-сида қатнов ва тadbиркорлик фаолла-шиб, Паркент индустриётининг суръ-ати жадал ошди.

Президентимиз паркентлик фаол-лар билан суҳбатлашди.



– Бизнинг энг катта бойлигимиз юртимиз тинчлиги, ҳаққимизнинг оёқсизлиги. Тинчлик барқарор бўлса, мана шундай бунёкорлик бўлади, режалар амалга ошади. Давлат таъкилотларини сафарбар қилиб, имкониятларни юзага чиқариб, ҳамма ҳудудларни ривожлантиришга ҳаракат қилаяймиз. Паркентга ҳам инвестиция етиб келганини кўриб, хурсанд бўлдим. Ҳаққимиз мана шундай фаровон шароитда яшашига муносиб, – деди Шавкат Мирзиёев.

– Мева-сабзавотчиликда Паркентнинг имкониятлари катта. Технология олиб келиб, жаҳон бозорига сархил ва қўритилган меваларни экспорт қилиш салоҳиятимиз бор. Биргина Японияни олсак, Ўзбекистон маҳсулотларига қизиқиши юқори. Фақат меваларни сифатли этказиб бериш зарур. Бундай корхоналарни ривожлантирсак, шу тarmoқнинг ўзидан бир неча миллиард доллар даромад олиш мумкин, – деди Президент.

Бишкек шаҳрида улуғ адиб хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро Форум айнан шундай номланганини қайд этгандик. Форум давомида ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти Бош котиби, таниқли қирғиз адиби Султон Раев *“Чингиз Айтматов – туркий халқлар ўртасидаги олтин кўприкка ўхшайди”*, деган ҳикматли иборани тилга олди.

Албатта-да, оғир меҳнат ёки доимий иш вақтидан сўнгра бир финжон қаҳва ичишни ким ҳам хоҳламайди?! Дастлаб қийинчиликлар кўп бўлди: бозорни ўрааниш, тажрибасизлик, молиявий масалалар. Лекин табдиркорликдаги энг муҳим жиҳат шуки, муаммоларга тўсқ эмас, имконият сифатида қараш керак. Биз сифат ва миқдордаги эътибор бериш орқали ишонч қозондик.



Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги Талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш маркази ҳамкорлигида илк бор ташкил этилган “Илмий-оммабоп газета ва журналларда эълон қилинган энг яхши материал” танлови якунига етди. Бу ҳақда вазирлик ахборот хизмати хабар берди.

Маълум қилинишича, 1–10-май кунлари республика олий таълим муассасаларидан 44 нафар ёш изланувчи иштирок этган танловда тақдим этилган мақолалардан 26 таси ҳакамлар ҳайъати томонидан адолат ва шаффоқлик мезонлари асосида қўриб чиқилди.

Қувонарлиси, ушбу танловда “Adolat” ижтимоий-сиёсий наирида чоп этилган “Муайяфалм кииники бўлас, бола ҳам ўшаники!” сарлавҳали тахлилий мақола муаллифи — партия Марказий аппарати етакчи мутахассиси, Ёшлар парламенти аъзоси Илҳомжон Абдусаломов 1-ўринга лойик, деб топилади.

Илҳомжон Абдусаломов илмий гояни кенг
оммага содда, тушунарли ва мантиқий
таҳлил асосида етказишдаги ёндашуви,

мавзу долзарблигини теран очиб бера олгани билан ҳакамлар ҳайъати эътирофига сазовор бўлди.

Эндиликда у танлов голиби сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан БХМнинг 25 баравари миқдоридagi пул мукофоти билан таъдирланади.

Ёш ижодкорни ушбу ютуқ билан сямимий муборакбод этиб, илмий ва ижодий фаолиятида янги муваффақиятлар тилаймиз. “Адолат” СДП ёшлари сафида бундай илғор ва ташаббускор ёшларнинг борлиги бизни қувонтиради.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

19 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги кўп тармоқли кардиология маркази фаолияти билан танишди.

Россиялик тадбиркор билан ҳамкорликда ташкил этилган «Оқ сарой» клиникаси яқинда ишга тушди. Бу ерда 4 та жарроҳлик ва 6 та реанимация хоналари, 100 дан ортиқ шифо ўринлари мавжуд. Бир вақтинг ўзида 4 та ва кунига 25 тагача юқори технологияли кардио-жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилган. Бунинг учун Россия, Туркия ва Қўбайдан малакали шифокорлар ишга жалб этилган. Стентлар, аорта коронар шунтлар, туғма нуқсонларни бар-тароф этиш, эндопротезлар каби даволар самараси юқори.

Марказ юқори аниқликда ташхис хизмати ҳам кўрсатади. Масалан, замонавий эхокардиография ускунаси сунъий интеллект ёрдамида ишлайди. Бунақаси ҳозирча Ўзбекистонда ягона.

Давлатимиз раҳбари бундай инновацион клиникалар тиббиётда сифат ва дунёқарашни ўзгартириши, бошқаларни ҳам трансформацияга ундашини таъкидлади.

Халқчил ислоҳотлар аҳолини эшитишдан бошланади



Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Президенимиз раислигида изчил таҳлилий ружда ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз аҳолисини, шу билан бирга, тадбиркорларни ўйлантириб турган кўплаб ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муаммолар ҳақида равишда танқид остига олинди.

Энг кўп ургу берилган масала — раҳбарлар, масъуллар халқнинг дарди-ташвиши билан яшаши, ишлаши кераклиги билан боғлиқ бўлди. Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши шарт эканлигига оид тамойил ва талаб яна бир ёдга олинди.

Бу жараёнда учраётган ҳар бир тўсиқ ва муаммо бирма-бир таҳлил қилиниб, уларнинг аниқ чимлари кўрсатиб ўтилди. Хусусан, жамиятга очқли, салоҳиятли, ижтимоий масъулиятни сезувчи, халқ учун очиқ ҳамда тегишли ваколатга эга ҳокимият кераклиги қайд этилди.

Асосий турдаги озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотлари бўлмиш гўшт, сут, парранда гўшти ва тухум нархи кескин ошиб кетмаслиги бўйича қатъий талаб қўйилди ва бу борада жорий этилган таъсирчан механизмлардан унумли фойдалана олмаган масъуллар ишдан кетиши бўйича огоҳлантирилди.

Бундан ташқари, йиғилишда ижро назоратини суи оғиб борган институтлар фаолияти танқидий қўриб чиқилди. Президент Администрациясининг Назорат инспекцияси фаолияти тугатилди. Ижро интизомини мустақамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилиши белгиланди. Бундан буён ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул бўлиши, унинг ваколатлари кенгайтирилиши, сарфланаётган маблағларнинг натижадорлиги таҳлил қилиб борилиши таъкидланди.

**АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР
НАТИЖАДОРЛИГИ, ҲУДУДЛАРДА ИШЛАРНИНГ
БОРИШИ, АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН
МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ ЮЗАСИДАН
ВАЗИФАЛАР***

*2025 йил 16 июнда Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши юзасидан

 @press_secretary_uz
 @press_secretary_uz
 @Press_Sec_Uz
 @PressSecretaryUZ

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, АҲОЛИ МУАММОЛАРИ
БИЛАН ИШЛАШ БУИИЧА МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИИ
КИЛИНАДИ.

Ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул бўлади, унинг **ваколатлари кенгайтирилади.**

Хисоб палатаси фақат қарорлар билан берилган маблағларни тўғри сарфланишини эмас, балки **нима самара бергани**, аҳоли бундан қанчалик рози бўлганини ҳам ўрганади.

Ҳар бир қарор ижроси натижадорлиги таҳлил қилиниб, заиф нуқталар, суғуш раҳбарлар ва ишламаётган тизимлар бўйича ҳар ойда Президентга тақлиф киритилади.

**“ХАЛҚ НАЗОРАТИ” ЭЛЕКТРОН ПОРТАЛИ БУТУН
РЕСПУБЛИКАДА ИШГА ТУШИРИЛАДИ.**

 Аҳоли қурилиш,
ободонлаштириш ва
инфратузилма
муаммоларини суратга олиб
аниқ манзиллини кўрсатган
ҳолда **мобил илова орқали**
Порталга юбориши мумкин
бўлади

 Масаланинг ечими ҳам фотосурат билан тасдиқланади. Қанчалик тез ва сифатли ҳал этилишига қараб, ҳокимлар фаолияти **кунлик баҳолаб борилади.**

Бу тизим
мурожаатларнинг **ягона
платформаси** бўлади ва
унга барча **вазирлик,
идора, ҳокимликлар
уланади.**

Халқчил ислоҳотлар аҳолини эшитишдан бошланади

1 Шунингдек, эндиликда туманда иш ҳам, ёндашув ҳам, бошқарув тизими ҳам ўзгариши белгиланди. Бу тизим йил якунигача Сурхондарёда тўлиқ, қолган ҳудудларда жадал ривожлантириш белгиланган 15 та туман ва шаҳар – Қўнғирот, Чимбой, Асака, Ғиждувон, Ғаллаорол, Яккабоғ, Хатирчи, Чортоқ, Булунғур, Сирдарё, Қува, Шовот, Ҳазорасп туманлари, Марғилон ва Янгийўл шаҳарларида, Тошкент шаҳрида эса Бектемир туманида жорий қилинади.

Президентимиз янги тизимни Сирдарё тумани мисолида тушунтириб берди. Жумладан, комплекс ривожлантиришга масъул 9 та вазирликнинг туман бўлими ҳокимлик тизимига ўтади. Туман ҳокими ҳокимлик ва ушбу 9 та идорадаги штатларни ўзи тақсимлаб, қайси бўлимда нечта одам ишлашини, ишга олиш-бўшатишни ўзи ҳал қилади. Бундан буён ҳокимда 4 нафар ўринбосар бўлиб, ривожланиш режасига қараб, қайси масалада ўринбосари бўлишини ҳокимнинг ўзи белгилайди.

Йиғилишда маҳаллий бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташиқл этишнинг замонавий менежмент услубларини жорий этишга қаратилган халқчил ва конструктив ташаббуслар илгари сурилди. Бу каби фундаментал ўзгаришлардан кўзланган мақсад — йирик шаҳарларимиздан тортиб, то чекка-чекка қишлоқларимизда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, яшаш шароитини яхшилашдир.

Аниқ ишонч билан айтамызки, "Адолат" СДП жамоатчилиги ва депутатлик назоратини кучайтириш орқали белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижроси таъминланишига салмоқли ҳисса қўшади. Аввало, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз фаоллиги ва жонбозлиги билан аҳолининг талаб ва истакларини ўрганамиз ҳамда уларни ижобий ҳал этиш борасидаги таклифларимизни маҳаллий ҳокимликларга тақдим этамиз.

Қолаверса, Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари ёрдамида жойларда учраётган тизимли муаммоларга ечим топиш мақсадида фуқаролар билан алоқаларимизни янада кучайтиришга эътибор қаратамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш биргина тизим ёки ҳокимликнинг зиммасидаги масъулият эмас. Барчамиз ўз зиммामиздаги вазифани сидқиқидан бажарсак, ўйлимизда учрайдиган тўсиқларни биргаликда бартараф қилсак, кўзланган мақсадларга, албатта, эришамиз.

Яшил ҳудудлар, спорт майдончалари ва болалар ўйингоҳлари

ҚАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ

Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши – халқимиз манфаатлари, фуқароларнинг кундалик ҳаёт тарзи, жамиятдаги экологик барқарорлик ва ёш авлод тарбияси масалаларига бефарқ бўлмаган ҳақиқий раҳбарнинг қатъий позициясини яна бир бор кўрсатди.



Равшан ЯКУБЖОНОВ, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати

Йиғилишда аниқ ва қатъий айтилдики, қайси ҳудудда "яшил" ҳудуд, спорт майдончаси, болалар ўйингоҳи бошқа мақсадлар учун бериб юборилган бўлса – ҳаммаси жойига қайтарилади! Бу – халқ талаби, Президент сиёсатининг марказида инсон манфаатлари турганининг амалий ифодасидир!

Кейинги йилларда айрим ҳокимлар томонидан маҳаллалардаги яшил ҳудудлар қурилишга бериб юборилган ҳолатлар аҳолида жиддий норозиликлар уйғотмоқда. Тошкент шаҳрида бор-йўғи 9 802 та кўп қаватли уйнинг бино остидаги ерлари кадастрга киритилгани – бу очик-ойдин аҳолини яшаш ҳуқуқидан маҳрум этиш демакдир.

Айни пайтда, аҳолига дам олиш, болаларга ўйнаш, спорт билан шуғулланиш учун зарур шароит яратмасдан, ер майдонларига фақат бизнес учун, деб қараш – нафақат қонунга, балки инсоф ва виждонга ҳам тўғри келмайди.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, Бош прокурор ўринбосари, Адлия вазири ва тегишли идораларга берилган вазифалар бу жараён устидан адолатли назорат кучайтирилаётганини кўрсатади. Давлат органлари вакиллари қонун бузилиши ҳолатларини зудлик билан бартараф этиши, ноқонуний қурилишларга чек қўйиши шарт.

Депутат сифатида таклиф қиламан:

1. Барча ҳокимлар қарорлари, айниқса, кўп қаватли уйларга туташ ерларни хусусийлаштириш ёки қурилишга бериш бўйича чиқарилган ҳужжатлар кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши лозим.

2. Яшил ҳудудлар ва болалар майдончалари – хусусийлаштириб бўлмайдиган, фақат жамоат фойдаси учун хизмат қиладиган ҳудудлар сифатида қонунан алоҳида мақомага эга бўлиши керак.

3. Ҳар бир шаҳар ва туманнинг кадастр маълумотлари ва яшил ҳудудлар картаси ошкора ва халқ учун очик бўлиши лозим.

Бу масалада фуқароларимиздан фаол позиция талаб этилади. Ҳар биримиз ўз маҳалламиздаги ер тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, давлат ва жамоат назоратини кучайтиришимиз лозим.

Бу нафақат ҳудудларнинг ташқи кўриниши, балки фарзандларимизнинг келажаги, жамиятнинг соғлом муҳити учун курашдир.

Partiya hayoti

Худудларда "яшил" ҳудуд, спорт майдончаси, болалар ўйингоҳи бошқа мақсадлар учун бериб юборилган ҳолатлар аниқлиниб, жойига қайтарилади.

Кўп қаватли уйларга туташ ҳудудларни компанияларига бериш бўйича ҳокимларнинг қарорлари ўрганилиб, қонунга зидлари бекор қилинади.

ТУМАНЛАРДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ЎЗГАРАДИ БУ ТИЗИМ ЙИЛ ЯКУНИГАЧА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТЎЛИҚ ҚОЛГАН ҲУДУДЛАРДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЕЛГИЛАНГАН



ЯНГИ ТИЗИМНИНГ ИШЛАШИ СИРДАРЁ ТУМАНИ МИСОЛИДА:

Комплекс ривожлантиришга масъул 9 та вазирликнинг туман бўлими ҳокимлик тизимига ўтади.

Улардаги жами штатларни тақсимлаш, ишга олиш ва лавозимидан озод этиш бўйича тегишли қарорлар ҳоким томонидан қабул қилинади.



Ҳокимга 4 нафар ўринбосар бириктирилади.

Ривожланиш режасига қараб, барча масалалар тегишли ўринбосарларга ҳоким томонидан белгилаб берилади.



ТУМАНДА "ИСЛОҲОТЛАР ШТАБИ" ТУЗИЛАДИ.
3 ойда туманнинг 38 та маҳалласи кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрланади.

Келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари тасдиқланади.

Натижага қараб, бу янги тажриба келаси йилдан республикада йулга қўйилади.

Ишчан ва жозибадор муҳит яратиш учун 1 августдан барча вилоят ва туман ҳокимликларида иш ҳақи оширилади, ходимларга ишга қараб ойлик устама ва қўшимча бонус берилади.

Инсон қадрлари учун

Давлатимиз раҳбари раислигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бир қатор ташаббус ва халқчил ғоялар илгари сурилди.

Президентимиз нутқида ўтган беш ойда мамлакатимизда саноат 6,4 фоизга ўсгани, экспорт 18 фоизга, хорижий инвестициялар 46 фоизга ошгани, қиймати 3 миллиард долларлик 2,5 мингдан зиёд янги қувватлар ишга туширилгани, 2 миллион 400 минг одам даромадли бўлгани қайд этиб ўтилди.

Дунёда авж олаётган можаролар ўчоғи нафақат Яқин Шарқ, балки минтақамизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаслиги, кескинлашув давом этаверса, пандемиядан кейин эндигина тикланаётган савдо алоқалари ва логистика маршрутлари фаолияти қийинлашишига ҳам эътибор қаратилди. Президентимизнинг тинчлик, адолат ва инсон қадрини улуғлашга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ошиб бораётгани тўғрисидаги қимматли фикр-мулоҳазалари иштирокчилар диққат марказида бўлди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар бир ҳоким ҳудудидаги, вазирлар эса тармоғидаги имконият ва хавфларни олдиндан кўра билиб, проактив, яъни топириқ кутмасдан, ўзи ташаббус кўрсатиб ишлашга ўтиши шартлиги устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Аҳоли ва бизнес билан мулоқотни янада кучайтириб, улар сўраётган масалаларни тез-тез ҳал қилиб бериш бу раҳбарларнинг асосий вазифаси экани қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда Президент Администрациясининг Назорат инспекцияси фаолияти танқидий кўриб чиқилди ва фаолиятидаги камчилик ва муаммоларни ҳисобга олиб, Президент Администрациясининг Назорат инспекциясини тугатишга қарор қилинди. Ижро интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилиши белгиланди. Бундан буён ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул этиб белгиланди. Президент унинг ваколатлари кенгай-

тирилишини таъкидлади ва Ҳисоб палатасига бир ой ичида Тошкент шаҳрида ўзини оқлаган "Халқ назорати" электрон порталини бутун республикада ишга тушириш вазифаси топширилди.

Ушбу портал орқали аҳоли қурилиш, ободонлаштириш ва инфратузилма муаммоларини сурагга олиб ва аниқ манзиллини кўрсатган ҳолда мобил илова орқали юборадиган бўлди.

Эндиликда Халқ қабулхоналарига вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилиши белгиланди. Ҳокимлар ҳар куни ишини шу ерда аҳоли дарди ва ташвишини эшитишдан бошлаши, муаммони шу ернинг ўзида ҳал этилиши халқимиз учун аниқ муддао бўлди.

Сирдарё тумани ҳокими, 9 та идора ходимлари, Савдо-саноат палатаси, банк, солиқ, кадастр вакили ва етакчи тадбиркорлардан иборат "Ислоҳотлар штаби"нинг тузилиши, "Ислоҳотлар штаби" уч ойда туманнинг 38 та маҳалласи кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастурнинг тайёрланиши, келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланиши кўзда тутилди. Натижага қараб, бу янги тажриба келаси йилдан бутун республикада йулга қўйилади.

Аҳолига тенг имконият яратишда адолатли жамиятнинг ўрни катта. Бу йўлда "Адолат" социал-демократик партияси ўз позициясидан келиб чиқиб, Сайловолди дастури, партия лойиҳаларини амалга ошириш ва депутатлик назоратини кучайтириш орқали халқ фаровонлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва қадриятларини улуғлаш, муаммоларига ечим топиш ва ҳар бир топириқнинг ижросини тўлақонли таъминлаш ишида янада фаоллик кўрсатади. Бу ишда



СОДИҚЖОН СОДИҚОВ, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, вилоят кенгаши раиси

маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз аҳолининг талаб ва истакларини ўрганиб бориши ва муаммоларга ўз вақтида ечим топиш учун маҳаллий ҳокимлик ва дахлдор идораларга таклиф ва сўровлар йўллаши керак бўлади. Чунки давлатимиз раҳбари ҳаммаша халқни рози қилишни биринчи ўринга қўйиб келган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиздаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, янги ташаббусларни амалиётга жорий этиш фаровон ҳаётни юқори босқичларга оширишда дастуриламал вазифасини ўтади. Бу эса ўз-ўзидан юртимизда инсон қадрини янада мустаҳкамланишига олиб келади.

Фракция йиғилиши

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН

аниқ ва конструктив таклифлар берилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида "Давлат органинининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори ёки ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Бугунги кунда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонунга хилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган зарарлар ва маънавий зиёнларнинг қоплашни тартибга солиш ягона қонун ҳужжати билан тартибга солинмасдан келинаётган эди.

Ушбу ҳужжат давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори ёки ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан етказилган зарарнинг ўрнини компенсация қилиш, ҳудудий компенсация жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилган маблағларни кейинчалик айбдор деб топилган давлат органининг мансабдор шахсидан тўлиқ миқдорда регресс тартибидан ундириб олиш, ҳудудий компенсация жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти бўйича партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бир қатор таклифлар берди. Хусусан, фракция аъзоси Шухрат Якубов лойиҳанинг концепцияси долзарб эканини



ва у партия Сайловолди дастурида акс этганлигини таъкидлаб, айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди.

Депутат асосий компенсация тўловлари ҳудудий компенсация жамғармалари ҳисобидан тўланиши, захира жамғармалари эса ҳудудларда шакллантирилиши режалаштирилаётганини қайд этиб, лекин марказий давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорлар оқибатида етказилган зарарлар қайси манба ҳисобидан қоплашни кераклигига оидинлик киритиш зарурлигини таъкидлади.

Қонун лойиҳаси бўйича фракциянинг бошқа аъзолари ҳам ўз фикр-му-

лоҳазалари ва таклифларини билдириб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида берилган тавсиялар асосида қонун лойиҳасини такомиллаштириш лозимлиги айтилди.

Фракция аъзолари ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши тўғрисидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилишини ҳисобга олиб, уни маъқулладилар.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР

тинчлик ва барқарорлик кафолати

Бугун ҳар қандай давлат тараққиётида инвестиция сиёсати, хорижий сармоядорлар учун яратилаётган имконият ва шароитлар ҳамда шу жараёнларни сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш механизми муҳим ўрин тутмоқда. Сабаби, ҳозирги геосиёсий беқарорликлар ва иқтисодий хатарлар авж олган бир пайтда инвестициявий жозибадорликни ошириш фақат иқтисодий ўсиш манбаи эмас, балки давлат ва жамият барқарорлигининг муҳим кафолати сифатида намоён бўляпти десак, янглишмаган бўламиз.



Бехзод ТЎХТАМУРОВОД,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Шу нуқтаи назардан, жорий йилнинг 10-12 июнь кунлари бўлиб ўтган тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакатимизнинг янги инвестицион сиёсати, унинг очик, прагматик ва узоқни кўзловчи ёндашувини намоён этган муҳим воқеа бўлди. Эътиборлиси, Президентимиз иштирок этган ялпи мажлисда билдирилган фикрлар, таклиф этилган аниқ ташаббуслар халқаро жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқи аввалда жаҳондаги хавфли ўзгаришлар, глобал инқирозлар ва барқарор ривожланиш учун юзага келаётган тўсиқлар ҳақида тўхталиб, бундай шароитда сармояларнинг ўрни янада стратегик аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Қайд этилганидек, инвестиция энди иқтисодий кўрсаткичлар билан чегараланиб қолмапти – у тинчликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, таълим ва фанга инвестиция киритиш воситасига айланмоқда. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз барча халқаро ҳамкорларни очиклик ва конструктив мулоқот асосида биргаликда ҳаракат қилишга чақирар экан, сармоявий муҳитни яхшилаш умумбашарий манфаатларга хизмат қилишига алоҳида аҳамият қаратади.

Ўтган саккиз йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг икки баробарга ўсгани, 2024 йилда сармоялар ҳажми 35 миллиард долларга, экспорт эса 27 миллиард долларга етгани, шак-шубҳасиз, миллий иқтисодиётимиздаги чуқур ислохотларнинг амалий натижасидир. Яқин истиқболда ЯИМни 200 миллиард долларга етказиш мақсад қилинмоқда. Қолаверса, мамлакатимиз суверен кредит рейтингини “S&P” агентлиги томонидан “ижобий” деб баҳолангани ҳамда иқтисодий эркинлик, рақобатбардошлик ва мураккаблик индексларида ҳам тобора юқори поғоналарга кўтарилаётгани халқаро сармоядорлар учун юртимизнинг ишончли ва барқарор шерик сифатидаги ўрнини яна бир бор мустаҳкамлайди.

Бугунги кунда рақамли технологиялар ва сунъий интеллект нафақат замонавий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми, балки унинг янги “драйвери”га айланмоқда. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Сунъий интеллектга тайёрлик бўйича халқаро индексда бир йилда 17 поғона юқори кўтарилгани халқаро миқёсдаги эътирофдир. Бу рақамлар – статистика эмас, балки янги авлод учун, креатив ёшлар учун янги имкониятлар эшикларини очувчи янгиликлардир.

Бундан ташқари, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳасида “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси, миллий сунъий интеллект модели, дата-марказлар қурилиши, рақамли экспорт ҳажмини 5 миллиард долларгача ошириш мақсади – Ўзбекистоннинг интеллектуал иқтисодиётга ўтиш салоҳиятини намоён этади.

Венчур капитал, қайта суғурта, стартап лойиҳалардаги муваффақиятлар – миллий инновация муҳитининг ривожланаётганидан далолат беради. Технологик минераллар саноатида эса вольфрам, литий, молибден, графит каби муҳим хомашёлар асосида “Келажак металлари технопарки”ни ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Инвесторлар учун рента солиғини 10 йилга қайтариб бериш каби улкан имтиёзлар назарда тутилмоқда. Булар, ўз навбатида, мамлакатимизнинг янги тарихий босқичдаги стратегияси, глобал хатарлар қаршисидаги мустаҳкам сиёсий иродаси ва инвестиция орқали келажакни қуришга қаратилган эзгу мақсадини теран ифода этди.

Мазкур жараёнда инвестицияга оид қонунларни такомиллаштириш, халқаро стандартларга мос ҳуқуқий база яратиш, лойиҳалар ижроси устидан самарали назоратни амалга ошириш, маҳаллий даражада инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш каби устувор вазифалар олдимизда турибди. Парламент бу жараённинг ҳуқуқий пойдевори ва институционал кафолатчиси сифатида фаол иштирок этиши, шубҳасиз.

Умуман олганда, инвестиция муҳитини яхшилаш, ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш ва сармоядорлар ишончини таъминлашда парламент фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Масалан, Финляндия парламенти “Инновация ва сармоялар тўғрисидаги қону” орқали маҳаллий ва хорижий сармоядорларга узоқ мuddатли кафолатлар тақдим этган. Японияда эса парламент тасдиқлаган инвестиция кодекси орқали чет эл сармояларини рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари ва юридик ҳимоя механизмлари яратилган.

Ўзбекистон ҳам бу борада замонавий тенденциялардан четда қолмаяпти. Парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва ратификация қилинаётган халқаро шартномалар орқали сармоядорларга қулай муҳит яратиш мақсад қилинган. Айниқса, парламент назоратининг кучайтирилиши – инвестициявий лойиҳаларнинг шаффофлиги, қонунийлиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим воситага айланади.

Пойтахтимизда мамлакатимиз билан ҳамкор давлатларнинг юқори мартабали вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, бизнес оламининг йирик намояндалари иштирокида тўртинчи Тошкент Халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди.

Мазкур форумда давлатимиз раҳбари иштирок этди ва маъруза қилди. У ўз маърузасида қайд этиб ўтган муаммолардан келиб чиқиб, шерик давлатларни очик ва кенг кўламли халқаро ҳамкорликка чақирди. Яъни, форумнинг асосий мавзуси бўлган инвестициялар – фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорлик кафолатининг долзарблигидан келиб чиқиб, келажакда ҳамкор давлатлар ва шериклар билан биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратиш кераклигини, айнан инвестиция муҳити даромад келтириш билан бирга, инсон қадрини улуғлайдиган, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлайдиган ва жамият равнақига хизмат қиладиган мустаҳкам пойдеворга айланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Абдиманнон ҲАЙИТОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Меҳнат иқтисодиёти кафедраси профессори,
иқтисод фанлари номзоди

ХАЛҚАРО ФОРУМНИНГ ҚАМРОВИ ВА МИҚЁСИ

Кейинги йилларда дунё минтақаларида ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамиятига унинг қамрови ва миқёсига кўра баҳо берилаяпти. Жумладан, тўртинчи Халқаро инвестиция форумида қатнашган делегация иштирокчиларининг салмоғидан ҳам кўра уларнинг манфаатларидаги ўзаро яқдиллик ва ҳамжиҳатлиликни яққол кўриш мумкин. Тўғри, кейинги пайтларда глобаллашувнинг турли муаммолари бўйича ўтказилаётган халқаро миқёсдаги тадбирлар (сиёсий, иқтисодий, экологик, ҳудудий) туридан қатъи назар, ташқаридан қараганда ўзаро яқдиллик ва ҳамжиҳатлилик руҳига асослангандай кўринади, аслида эса аниқ бир мамлакат ёки ўзаро шерик мамлакатлар манфаатига йўналтирилганлиги билиниб қолади.

Улардан фарқли ўлароқ, Тошкент шаҳрида ўтказилган тўртинчи Халқаро инвестиция форумида қатнашган иштирокчиларнинг таркиби, ҳамкор давлатларнинг юқори мартабали вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, бизнес оламининг йирик намояндалари қатнашганлигининг ўзи ҳам мазкур тадбир яқдиллик ва ҳамжиҳатлилик руҳига асосланаётганлигидан далолат беради. Халқаро экспертлар ва ОАВ томонидан юқори даражада баҳоланаётган мазкур форумда 7,5 мингдан ортиқ делегат, жумладан, 100 га яқин давлатдан салкам 3 минг нафар хорижий меҳмон иштирок этди. Яъни қатнашган иштирокчилар салмоғи ва фаоллиги давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, қуйидаги тамойилларга асосланганлигини қайд этиш зарур:

- мамлакатимизга бўлган ҳурмат;
- ўзаро ишонч;
- яқин ҳамкорликнинг чинакам ифодаси.



МАМЛАКАТИМИЗГА БЎЛГАН ҲУРМАТ

Халқимизда “Ҳурмат қилсанг иззат толасан”, деган нақл бор. Кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро алоқалардаги очиклик, мамлакатлараро муносабатлардаги манфаатлар занжирининг мустаҳкамлиги ва табиийлиги (сунъий, ёлгон, ясама эмаслиги), мамлакатлар ҳамкорлигида бир-биридан ҳурмат ва иззатни сўраб олмамлиги, яхши-ёмон кунларда мамлакатлар ўртасида ҳурматга эришиш даражасининг шаклланиши ва йиллар давомида синовлардан ўтганлиги ва энг асосийси, ўз вақтида, керакли пайтда ҳурмат қилиш даражасининг ҳар икки томон муносабатларининг асоси деб тан олинishi юксак даражадаги ҳурматни шакллантирди.

ЎЗАРО ИШОНЧ

Ўзаро ишонч яқдиллик ва ўзаро ҳамкорликнинг энг асосий тамойилларидан биридир. Глобаллашувнинг кескинлашишида айнан ўзаро ишонч муносабатларидаги муаммолар, яъни дунёнинг айрим табиий ва ер ости бой-

ликларига эга мамлакатлар атрофидаги нобарқарор геосиёсий вазиятнинг юзага келиши натижасида айрим мамлакатларга нисбатан дунё ҳамжамиятида ўзаро ишончининг пасайиши ёки заифлашуви, ресурслардаги улуш даражасига эга бўлиш жараёнида юзага келаётган келишмовчиликлар ва номутоносибликлар натижасида ҳамкор ва ўзаро шерик мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч пасаймоқда. Бундан фарқли ўлароқ, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан муносабатларида ўзаро ишончга устуворлик қаратилади. Ушбу устуворлик давлат, халқ ва шахс манфаатига қаратилади.

ЯҚИН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЧИНАКАМ ИФОДАСИ

Азалдан маълумки, яқинлиқни, яқдиллиқни, шериклик маълум вақт, давр, синов ҳамда тўғри танланган йўл шакллантиради. Ҳамкорликнинг чинакам ифодасида вақт асосий ролни ўйнайди. Баъзида маълум бир вақт ўтиши ҳамкорлар ўртасида манфаатлар йўлидаги номутоносибликлар, улар эҳтиёжларидаги оғишлар (ўзини четга олиш, пул, молия, кредит) ҳамкорликка путур етказиши. Ушбу салбий ҳолат ҳамкорлар ўртасидаги занжирнинг узилишига олиб келади. Энг ачинарлиси, икки томон иштирокида мазкур жараёнда қайсидир томон зарар кўрмайди, бошқа томон зарар кўради. Зарар кўрган томонда эҳтиёжлар ва манфаатларнинг қоникмаслиги пирордида ҳамкорликнинг барбод бўлишига олиб келади.

Тошкентда бўлиб ўтган тўртинчи Халқаро инвестиция форумида иштирок этган барча иштирокчилар йиллар давомида чинакам сигнал ҳамкорлардир.

СТРАТЕГИЯГА СИНГДИРИЛГАН ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Дарҳақиқат, “Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг 92-мақсади анъанавий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтириш, глобал ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжирларида қўшилиш билан боғлиқ йўналишларни белгилаш, ҳамкор давлатларнинг муаммоларини биргаликда ҳал этишни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз ҳозирда дунё иқтисодиёти янги давр ва ўзгаришлар оstonасида турганини таъкидлаб, барқарор ривожланиш йўлидан бораётган давлатларни келгусида қуйидаги тўртта муҳим йўналишларда ҳамкорликда ишлашга ундади:

- биринчидан, “*яшил*” иқтисодиёт моделига ўтиш;
- иккинчидан, рақамли технология ва сунъий интеллект иқтисодиётининг “*драйвери*”га айланаётганлиги;
- учинчидан, бугунги шароитда молиявий тизим ва технологиялар кескин ўзгараётганлиги;
- тўртинчидан, “*саноат инқилоби*” “технологик минераллар”га таллабни бир неча қарра қўпайтираётганлиги.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Президентимиз Янги Ўзбекистон – инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакатини эканлигидан келиб чиқиб, қуйидаги тадбирларни форум иштирокчилари эътиборига ҳавола этди:

- биринчидан, *глобал ишлаб чиқариш занжирларида ҳар бир давлат учун тенг шароитни таъминлайдиган ишончли қоидалар бўлиши шарт ва зарур*;

- иккинчидан, *мамлакатимизда хорижий сармоядорларга янада қулай муҳит яратиш*;

- учинчидан, *биз давлат компанияларини хусусийлаштиришда уларни юртимиз фаровонлигига хизмат қилувчи йирик активларга айлантириш йўлини танлаганмиз*;

- тўртинчидан, *биз транспорт ва логистика соҳасини иқтисодиётимизнинг қон томири сифатида кўришимиз*;

- бешинчидан, *сўнги йилларда қўшниларимиз билан йўлга қўйилган очик ва дўстона сиёсат натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги ҳамкорлик муҳити шаклланиши*;

- олтинчидан, *биз Марказий Осиёда “Инвестиция ва савдо учун яхлит ҳудуд концепцияси”ни илгари суришни таклиф қиламиз*.

2025 йилда Ўзбекистон 43 миллиард долларлик инвестиция ўзлаштиришни режалаштирган, асосий эътибор импортни қисқартириш ва маҳаллийлаштириш даражасини оширишга қаратилади.

2024 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 1,3 барабар кўпайиб, 36 миллиард доллардан ошган. Буларнинг ҳисобига йил бошидан буён қўшимча 70 триллион сўмлик қиймат берадиган 560 та йирик ва ўрта лойиҳалар ишга туширилган. 2025 йилдан экспортни яна 1 миллиард долларга ошириш имконияти пайдо бўлди.

Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, 2024 йилда Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 493,7 триллион сўмни ташкил этган. Шундан асосий капиталга ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитлар улуши 67,6 фоизга етган.

Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмида энг юқори улушга эга бўлган инвестор давлатлар:

- Хитой – 27,9 фоиз;
- Россия – 13,2 фоиз;
- Туркия – 6,8 фоиз;
- Германия – 5,2 фоиз;
- Саудия Арабистони – 5 фоиз;
- Нидерландия – 4фоиз.

Бир сўз билан айтганда, тўртинчи Тошкент Халқаро инвестиция форуми глобал муаммоларнинг мамлакатлар тараққиётига бевосита ва билвосита таъсири ҳамда таҳдиди сезиларли даражада намоён бўладиган ҳозирги даврда шерик давлатларнинг биргаликдаги ҳамкорликлари йўлидаги истиқболли ва барқарор анжуман бўлди.

Партия ташаббуси – амалда

Соғлом авлод – келажак пойдевори



Ясσιοёқликни кўпчилик зарарсиз, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, бу касаллик инсон қадди-қоматининг расо бўлишига салбий таъсир ўтказиши.

Маъруфжон ЮСУФЖОНОВ, халқ депутатлари Уйчи туман Кенгаши депутати

Афсуски, бепарволик туфайли бундай нуқсонли касаллик болалар ўртасида кўпайиб бормоқда. Аслида камдан-кам ҳолларда болалар бундай туғма нуқсон билан туғилади. Ясσιοёқлик бола юриши бошлаганидан сўнг жисмоний фаоллиги суст ёки вазни ортиқча бўлган болаларда ривожланиб боради. Бунда тоvon таги тўлиқ ерга тегиб туради. Шунинг учун юриш вақтида ҳамма куч болдир, чанок-сон бўғимига, бел умуртқа поғонасига тушади ва бунинг оқибатида бўғим касалликлари — артрозлар, умуртқа поғонаси қийшайиши натижасида сколиоз келиб чиқади. Касаллик қанча тез аниқланиб, барвақт даво-ланишга киришилса, унинг асоратлари оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш шунча тезлашади.

Касаллик сабабларида тўхталадиган бўлсак, тиббий таҳлилларга кўра ясσιοёқлик, юқорида айтиб ўтганимиздек, асосан бола-ликда ривожланади. Бундан ташқари семиз-лик, рахит касаллиги ва нотўғри танланган оёқ кийими ҳам унга сабаб бўлади. Доимий тарзда тор, пошнасиз поябзал кийганда ҳам тоvon осон деформацияланади, таняч мускуллари зўриқиб, касалликнинг ривожланиши учун шароит яратилади.

Катталар эса оғир меҳнат ёки кам ҳара-катланиш, тоvon, тизза бўғими, тўпиқ суги-нинг шикастланиши, шунингдек, ноқулай оёқ

кийими, доимий шиппада юриш ясσιοёқ-ликни келтириб чиқариши мумкин.

Агарда ушбу касалликка вақтида муолажа чораси қўрилмаса, вақт ўтган сайин кишининг юриши ўзгариб, танаси букчайиб, умуртқаси қийшайиб бораверади. Оқибатда юқорида ай-тилган артроз, остеохондроз, сколиоз каби ка-салликларга чалиниб қолиши ҳеч гап эмас. Касалликка чалинган кишида кечга бориб оёқ панжасида, тизза бўғими ва белида оғрик, узоқ пиёда юролмаслик, панжа шишиши каби асо-ратлар пайдо бўлади.

Болаларда учрайдиган ушбу ясσιοёқликни бартараф этиш мақсадида тумандаги 2-сонли умумий ўрта таълим мактабида спортнинг “Кё-кушинкай” карате тури бўйича бепул тўғарак ташкил этганмиз. Айни пайтда тўғаракда 300 нафардан ортиқ бола ушбу машғулотларга қамраб олинган.

Ушбу спорт тури чин маънода воёга етма-ган ёшлар орасида учрайдиган ясσιοёқликни бартараф этишга ёрдам беради. Машғулотлар давомида спортчи ёшлар оёқлар учки, ташки ён, ички ён қирралари ҳамда тавон қисмида ҳаракат машқларини бажарадилар. Бу орқали ясσιοёқлик ҳамда оёқ қисмидаги баъзи эгри-ликларни тўғирлаш мумкин бўлади. Бу таж-рибаларда ўз тасдиғини топган. Шунинг учун ушбу тўғаракка оёқ қисмида муаммоси бўлган ёшларни қамраб олишга алоҳида эътибор қар-атиб келмоқдамиз. Хар бир ота-она, мактаб-гача ва мактаб таълими муассасалари ушбу масалага жиддий эътибор қаратиб, ёшлари-мизнинг тўлақонли соғлом ва нуқсонсиз бўлиб воёга етишлари учун ҳаракат қилишлари ке-рак бўлади.

Муваффақият қалити

ЎЗБЕК ҚАҲВАСИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТАНИТАЁТГАН ЁШ ТАДБИРКОР

Эрталаб уйғонганингиздан сўнг кунни қандай бош-лашни ёқтирасиз? Гаджетингизга келган қайноқ хабар-ларни кўздан кечириш, соғлом турмуш тарзи доирасида бадантарбия машқлари, яхши китоб мутолааси ёки се-вимли мусиқа танлови... Яна бир ўзига хослик – ифори уйингизни тутган, янги дамланган қаҳванинг бетакрор мазаси биланми? Нутрициологлар фикрича, эрталаб ичилган бир финжон сифатли қаҳва мия фаолиятини рағ-батлантириб, диққатни жамлашга ёрдам беради. Кайфи-ятни кўтариб, кун давомида самарадорликни оширади. Ундаги кофеин моддаси (мелатонин, албатта) инсон асаб тизимига ёқимли таъсир қилиб, уйқучанликни бартараф этади ва кишини тетиклаштиради.

Илҳом АБДУҚАЮМ ўғли,
журналист

Ҳар бир инсон ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, айнан қаҳва би-лан бошланган шу дамлар тақдирни ўзгартириши ҳеч гапмас. Айтайлик, ёқимли одатга айланиши, мулоҳазали қарорлар қабул қилишда кўмакчи бў-лиши, баъзан эса янги саҳифа очишга сабаб бўлиши мумкин. Айнан шундай кечалардан бири таниқли “MAGMA” бренди асосчиси, ёш тадбиркор Бобур Умаров ҳаётида туб бури-лиш ясади. Одатий кунларнинг бири. Тун ярми – соат икки. У сафарда. Қаҳва ичишни истаб, тўртта дўконга кирди – бирортасида ҳам тайёри йўқ. Ўша пайтда мазкур содда эпизод унинг ҳаёлида қутилмаган саволни уйғотди: нега? Вақт ўтиб, унда ғоя шаклланди: нима учун айнан мен бу бўшлиқни тўлдирмаслигим керак?

Шу кечадан бошланган изланиш бугун ўз брендига эга, ўнлаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тад-биркорни шакллантирди. Эндиликда қахрамонимиз фақат қаҳва сотмапти – мароқли турмуш тарзи, эстетик дид ва таъм синовидан ўтган маҳсулот-лар орқали одамларга ижобий кай-фият улашмоқда. Бренд яратишда, аввало, сифат, кейин эстетик дид, энг муҳими – инсон эҳтиёжларига эъти-бор берган, аини дамда Вьетнамдан олий навли қаҳва донларини олиб ке-либ, тост қилиш жараёнини локал ша-роитда мукаммаллаштирган ҳамда қаҳва истеъмолчини миллий ментали-тетга мослаштирган ёш тадбиркор бу-нинг осон кечмаганини таъкидлайди.

– Бошида кўпчилик “Ўзбекларга қаҳва ёқмайди, биз чойхўр халқ-миз”, дейишган, – дея хотирлайди суҳбатдошимиз. – Қаҳвага талаб

асосан пойтахтда юқори, вило-ятларда эса унчалик оммалаш-магандай туюлганди ҳам. Аммо одамлар кундалик турмуш тар-зида кўпроқ енгилликни, руҳий ти-нимни истади. Албатта-да, оғир меҳнат ёки доимий иш вақтидан сўнг бир финжон қаҳва ичишни ким ҳам хоҳламайди?! Дастлаб қийинчиликлар кўп бўлди: бозорни ўрганиш, тажрибасизлик, молия-вий масалалар. Лекин тадбиркор-ликдаги энг муҳим жиҳат шуки, муаммоларга тўсиқ эмас, имко-ният сифатида қараш керак. Биз сифат ва мижозларга эътибор бериш орқали ишонч қозондик.

Орадан вақт ўтиб, қаҳвахона на-фақат Қашқадарёда, балки Тош-кентда ҳам ўз ўрнини топди. Бобур Умаров раҳбар сифатида 110 киши-лик яхши жамоа шакллантиришга алоҳида эътибор қаратган. Унинг фикрича, компаниянинг ички муҳити қанчалик самимий ва дўстона бўлса, амалий натижа шунчалик самарали чиқади. Қаҳва турлари кенгайиши, янги таъмлар яратилиши, маҳаллий мижозлар билан мулоқот жамоанинг кундалик вазифасига айланган. Си-фат эса нафақат устунлик, балки ишонч, демакдир. Яъни бугун мижоз бир марта эмас, икки, уч ва яна қай-тиб келиши учун маҳсулот мазали, барқарор, ишончли ва ўзгармас бў-лиши шарт.

– Ҳар бир ходимга муносабатим ўзгача, чунки уларни нафақат ҳам-кор, балки инсон сифатида ҳам қадрлайман. Шунинг учун, ҳар доим ишдан ташқари уларнинг оилавий ҳолати, шахсий муаммо-



лари ва эҳтиёжлари билан ҳам қи-зиқаман. Агар ёрдам керак бўлса, қўллаб-қувватлайман. Натижада ходимларнинг ишга бўлган ишти-ёқини ошириш мумкин. Суҳбатлар ва ёрдам бериш – биз учун фақат-гина ҳамкорликни яхшилаш эмас, балки иш муҳитини тўғри, самар-али ва қулай қилишга йўл очади, – дейди Бобур Умаров.

Аҳамиятлиси, ўтган йил октябри-дан бошлаб, тадбиркор ўз бренди остидаги қаҳва маҳсулотларини Қо-зогистон, Туркменистон, Тожикистон ва Туркия каби давлатларга экспорт қилишни бошлади. Бу унинг фаоли-ятдаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Энди у нафақат ички бозорда, балки халқаро майдонда ҳам рақо-батчи сифатида майдонга чиқди. Ўз-бек қаҳваси ҳам ташқи бозорда ўз ўр-нини топиши, таъми ва қўринишида таниқли брендлар билан рақобат-лаша олиши мумкинлигини амалда исботлади.

– Мен учун ишни давом этти-риш бирмунча осон бўлди. Нега? Чунки ўз касбимни севаман, – дей-ди у. – Бундан отамдан ўрганган-ман. Улар менга “Касбингни сев-санг, ишинг оғири ҳам лаззатли

туюлади”, деб кўп айтади. Ушбу сўзлар ҳаётимда асосий тамой-илга айланган. Ёш тадбиркор-ларга маслаҳатим шуки, касбни пул ёки шўхрат учун эмас, қалби-даги қизиқиш ва муҳаббат билан танлашсин. Агар ишингизни чин юракдан севсангиз, ҳар кун ишга ўзгача ғайрат ва иштиёқ билан бориб, янги имкониятлар қидира бошлайсиз.

Унинг навбатдаги режалари ора-сида кейинги йилда эронлик инвес-торлар билан қўшма лойиҳаларни ишга тушириш, франшиза тизимини йўлга қўйиш, маҳаллий дўконлар тар-моғини кенгайтириш ва онлайн плат-формалар орқали хизмат кўрсатиш сифатида ишлаш ҳам бор. Шунинг-дек, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қат-ламни қўллаб-қувватлаш, айнқса, аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш масаласи ҳам эътибордан четда эмас. Бренддаги қаҳвадан тотиб, суҳ-батга яқун ясар эканмиз, уларнинг амалга оширилиши иқтисодий жиҳат-дан аҳоли фаровонлигини юксалти-риш, экспорт имкониятларини кенгай-тиришда муҳим натижалардан бири бўлишига шубҳа қилмадик.

Ҳуқуқ



Камронбек КАМОЛОВ,
Термиз туманлараро маъмурий суди
судья ёрдамчиси
Тўлқин ТЕМИРОВ,
журналист

Ана шундай шароитда фуқаро би-лан давлат ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган, адолатни тиклайди-ган, энг муҳими – фуқаронинг овозини эшитадиган мустақил ва ҳолис инсти-тут зарурати юзага келади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 2017 йилда мамлакатимизда маъмурий судлар фаолиятининг йўлга қўйил-

гани ана шундай тамойилнинг амал-даги натижаси бўлди.

Дарҳақиқат, ушбу механизмнинг ташкил этилиши билан мамлақати-миз суд-ҳуқуқ тизимида мутлақо янги – фуқаролар ва тадбиркорлар томо-нидан давлат органлари ва мансаб-дорлар қарорларидан шикоят қилиш ҳуқуқини амалиётда тўлақонли таъ-

Фуқаро ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий мувозанат

минлайдиган институционал тизим вужудга келди. Бу нафақат суд адо-латини таъминлаш, балки фуқаролар-нинг давлатга бўлган ишончи, ҳуқуқий маданияти ва фаол фуқаролик пози-циясини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамдир. Яъни, эндиликда фуқаро-лар “давлат нима дер экан?” деган муносабатдан “менинг ҳақимни ким ҳимоя қилади?” деган саволга аниқ жавоб олди. Натижа ҳам ёмон эмас: ўтган даврда кўриб чиқилган 120 мингга яқин ариза ва шикоятларнинг 57 фоизи қаноатлантирилди.

Эътиборлиси, Президентимизнинг жорий йил 30 январь куни қабул қи-лингн “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замона-вий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори маъмурий суд тизимини янада такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжатда маъмурий суд ишларини юритиш амалиётидаги муҳим камчи-лик ва тўсиқларни бартараф этиш, фуқаро ва тадбиркорнинг давлат ор-гани олдида ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган аниқ вазифалар белгиланди.

Қарорда, айнқса, “фаол ишти-рок этиш” тамойилини институцио-нал мустаҳкамлаш, яъни суднинг пас-сив кузатувчи эмас, балки ҳақиқатни

аниқлашда далилларни ўз ташаб-буси билан ййгадиган фаол субъект сифатида иш юритиши алоҳида таъ-кидланган. Бу эса ҳуқуқий маданияти етарли бўлмаган фуқаролар ва кичик тадбиркорлик субъектлари учун судда ўз манфаатини самарали ҳимоя қи-лиш имкониятини яратади. Шунинг-дек, қарорда давлат органи ҳужжа-тига асосланиб ҳаракат қилган, лекин кейинчалик бу ҳужжат ноқонуний деб топилган ҳолатларда фуқаро ёки тад-биркорнинг манфаатларини ҳимоя қи-лишга қаратилган янги механизмлар ҳам назарда тутилган.

Бундан ташқари, қарорда фуқа-ролар ва тадбиркорларнинг маъму-рий судга мурожаат қилишини енгиллаштириш, суд муҳокамаларида очиқлик ва шаффофликни таъмин-лаш, шунингдек, маъмурий ишлар бўйича суд қарорларининг ижро-сини мажбурий тартибда таъминлаш механизмларини кучайтириш каби муҳим вазифалар белгилангани – бу соҳада нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий адолатни қарор топти-ришга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом этаётганини кўрсатади. Демак, бу орқали маъмурий судлар нафақат низоларни ҳал қилувчи ор-ган, балки фуқаронинг давлат билан муносабатларида ишончли ҳуқуқий таянч сифатида фаолият кўрсатиши мумкин бўлади.

Бор меҳримиз сенга, болажон!

"Адолат" социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги "Бор меҳримиз сенга, бо-лажон!" шиори остидаги бегараз донорлик акцияси кўтаринки руҳда, кўплаб кўнгилли фуқаролар иштирокида ўтказилди.

“Абу Сахий” савдо марказида бегараз донорлик акцияси



Акциянинг асосий мақсади – хасталикка чалинган, оғир жарроҳ-лик амалиётларини кутаётган ёки тезкор ёрдамга муҳтож болажон-ларга ҳаёт бахш этиш, жамиятда донорлик маданиятини шаклланти-риш ҳамда инсонийлик туйғуларини янада кучайтиришдан иборат.

Шуниси қувонарлики, бегараз донорлик акциясида “Абу Сахий” савдо маркази ходимлари, марказга ташриф буюрган мижозлар, кўн-гилли фаоллар, шифокорлар иштирок этишди. Қон топириш жара-ёни санитария талабларга тўлақ риоя қилинган ҳолда малакали ши-фокорлар назоратида амалга оширилди.

Маълумки, бир донор бир неча инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Айнқса, онкологик касалликлар, автоҳалокатлар ёки туғма хасталиклар билан оғирган болалар учун қон донорлиги жуда зарур ҳисобланади. Шу боис, акцияда иштирок этган ҳар бир инсон ҳаёт бағишловчи воқеликнинг бир қисмига айланади.



Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, “Абу Сахий” савдо мар-кази бу каби ижтимоий лойиҳаларни мунтазам равишда ташкил этиб келади.



"Бор меҳримиз сенга, болажон!" акцияси бу шунчаки тад-бир эмас, балки инсон ҳаёти учун берилаётган умид ну-ридир. Ҳар биримиз бундай хайрли ишларда фаол ишти-рок этсак, жамиятимизда меҳр-шафқат ва ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланади.



Чингиз Айтматов – ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ОЛТИН КЎПРИК

Жорий йилнинг 9-14 июнь кунлари Бишкек шаҳрида “ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ – ТУРКИЙ ДУНЁ КЕЛАЖАГИ” мавзусида халқаро Форум бўлиб ўтди. Форум ишида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг давлат ва жамоат ар-боблари, Қирғизистон жамоатчилиги, ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти, Чингиз Айтматов халқаро институти вакиллари иштирок этди.

Форум ташкилотчилари – ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти Бош котибияти, Чингиз Айтматов халқаро институти, шунингдек, Қирғизистон Фанлар академияси-нинг Чингиз Айтматов номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Қирғиз Рес-публикаси Маданият, спорт ва ёшлар сиёсати вазирлиги ҳисобланади.

**Акмал САЙДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини
ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси,
академик**

ТУРКСОЙ – туркий дунё ЮНЕСКОси

Кейинги вақтда халқаро ва минтақавий до-ираларда шундай қиёс тез-тез тилга олинади: АЙСЕКСО – ислом оламидининг, Халқаро туркий маданият ташкилоти, яъни ТУРКСОЙ эса тур-кий дунёнинг ўзига хос ЮНЕСКО ташкилотига ўхшатилади.

ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти 1993 йилда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекис-тон, Туркменистон ва Туркия маданият вазирла-рининг келишуви натижасида таъсис этилган. Бугунги кунда ТУРКСОЙга 14 та давлат аъзо, шундан 6 таси – ташкилот таъсисчиси ва 8 таси – қузатувчи давлат. Қароргоҳи Туркия пойтахти Анқарада жойлашган. Ташкилот Бош котиби ла-возимда 2022 йил 31 мартдан атоқли қирғиз адаби Султон Раев фаолият юритмоқда.

ТУРКСОЙ ташкилотининг мақсади туркий халқлар ўртасидаги биродарлик ва дўстлиқни мустаҳкамлаш, умумий туркий маданиятни ёйиш ва уни келажақ авлодлар учун сақлаб қо-лишдан иборат. ТУРКСОЙга аъзо мамлакатлар раҳбарлари ҳомиёлигида амалга оширилаётган ташкилот фаолияти жаҳонда юксак баҳоланиб, эътироф этилган.

ТУРКСОЙ ҳомиёлигида Туркий кенгаш, Халқаро турк академияси, Туркий маданият ва мерос жамғармаси каби ташкилотлар фаолият юритади. Бундан ташқари, ТУРКСОЙ кўплаб лойиҳаларда ЮНЕСКО, АЙСЕКСО, МДҲга аъзо давлатларнинг Гуманитар ҳамкорлик бўйича давлатлараро жамғармаси сингари ташкилот-лар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ТУРКСОЙ ташкилотчилигида ўтказилган Бишкек Форуми атоқли адибнинг маънавий ме-роси ва унинг аҳамияти туркий дунё келажаги учун нечоғли муҳимлигини теран таҳлил ҳамда тақдир этиш борасида том маънодаги жонли мулоқот майдонига айланди. Иштирокчилар Чингиз Айтматов гоёлари бугунги кунда ҳам, ай-ниқас, замонамизнинг инсонпарварлик муаммо-лари шариоитида долзарб бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидладилар.

Шуни ҳам қайд этиш керакики, Ўзбекистон 2019 йилда Туркий давлатлар ташкилоти(ТДТ) га аъзо бўлганидан буён ТДТ ва ТУРКСОЙ би-лан ҳамкорлик доирасида ўнлаб ташаббус-ларни илгари сурмоқда. Хусусан, ТУРКСОЙ то-монидан 2020 йилда Хива шаҳри – “Турк дунё-сининг маданият пойтахти” деб эълон қилинди, 2024 йилда Бухорода Туркий тили давлатлар ёш ижодкорларининг анжумани ўтказилди. Шу-нингдек, ўтган йили Ўзбекистон ташаббуси би-лан ишлаб чиқилган Туркий дунё хартияси қа-бул қилинди.

Чингиз Айтматов халқаро институти – янги туркий маърифат маркази

Форумнинг яна бир ташкилотчиси – Чингиз Айтматов халқаро институти 2025 йил февра-лида Анқарада очилган. Ушбу институтни таш-кил этиш гоёсини Туркия давлат арбоби ва сиё-сатчиси Давлет Бахчели илгари сурган.

Институтнинг асосий вазифаси машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов ижоди, гоёлари, ижо-дий мероси ва фаолияти ҳамда интеллектуал дунёқарашини халқаро миқёсда оммалашти-риш ва тарғиб қилиш, шунингдек, Чингиз Айт-

матов гоёлари нуқтаи назаридан замонавий глобал дунё муаммоларига бағишланган му-лоқот майдонлари яратишдан иборат. Институт ташаббуси билан Чингиз Айтматов асарларини туркий ёзувда нашр этиш масаласи кўтари-лган. Бишкек Форумига ўхшаш тадбирлар Бер-лин ва Лондонда ҳам ўтказилиши режалошти-рилмоқда.

Чингиз Айтматов халқаро институти дирек-торлар кенгашига 14 киши киритилган. Улар орасида Туркиянинг таниқли сиёсий, маданий, интеллектуал ва ишбилармон доиралари ва-киллари ҳамда хорижий арбоблар бор.

Янада аниқ қилиб айтганда, Институт ди-ректорлар кенгашига ҳар битта туркий давлат-дан бир нафар вакил олинган. Камина Чингиз Айтматов хотирасига бағишланган халқаро Фо-румда ушбу Кенгашнинг Ўзбекистон Респу-бликасида вакили сифатида иштирок этди.

Форум арафасида, 9 июнь куни Бишкек шаҳрида Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши Тўрағаси (Раиси) Нурулбек Турғунбек уулу Туркия Буюк Миллат Мажлиси депутати, Чингиз Айтматов халқаро институти раҳбари, профес-сор Иляс Тупсакал бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда, шунингдек, ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев ва Чингиз Айтматов халқаро институти директорлар кенгаши аъзо-лари иштирок этди.

Томонлар туркий халқлар ўртасидаги мада-ний ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, хусусан, ма-даният ва санъат арбобларининг ўзаро ижодий алоқаларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Мулоқот асосида ТУРК-СОЙ – Халқаро туркий маданият ташкилоти фаолияти доирасида бу борада изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, мазкур расмий делегациянинг Қирғиз Республикаси Маданият, ахборот ва ёшлар сиёсати вазири Мирбек Мамбеталиев билан учрашувда ХХ асрнинг энг буюк доиш-мандларидан бири, бетақорр адиб, жамоат ва давлат арбоби, дипломат Чингиз Айтматов ижо-дий ва маънавий меросининг бутун туркий дунё учун аҳамияти, атоқли адибнинг Шарқ ва Ғарб маданиятларини бирлаштирган умуминсоний гуманист сифатидаги роли яна бир бор эъти-роф этилди.

Мулоқот асосида Чингиз Айтматовнинг тур-кий тили халқларнинг ақдид инсонпарварлик ва маданий қадриятларини шакллантиришдаги муносиб ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилди. Қирғизистон вазири туркий тили мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни изчил қў-ллаб-қувватлаётгани ва изчил ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси учун ТУРКСОЙ ташки-лоти ва Чингиз Айтматов халқаро институтига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Туркий дунёнинг Чингиз оға хотирасига эҳтироми

Бундан роппа-роса 17 йил аввал – 2008 йил 10 июнда бетақорр адиб, жамоат ва давлат ар-боби, дипломат Чингиз Айтматов Германиянинг Нюрнберг шаҳридаги клиникасида муолажа олаётганида оламдан ўтган. Атоқли замондоши-ми васиятига қўра, ўша йили 14 июнда Бишкек шаҳри яқинидаги қабристонда – “Ота-Бейит” тарихий-мемориал мажмуасида дафн этилган. “Ота-Бейит” – оталар мазори, деган маънони англатади. Ушбу қабристон Бишкекдан 25 кило-метр масофадаги Чўнтош овулида жойлашган.

Бу зиёратгоҳда 2020 йили тарихий-мемориал мажмуа барпо этилган бўлиб, у Чингиз Айтма-тов ташаббуси билан “Ота-Бейит” деб номлан-ган.

Чингиз Айтматовнинг вафоти умумхалқ мо-тамига айланиб кетганди ўшанда. Ч.Айтматов дафн этилган кунлари етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма йиғлади. Хорижий делегатлар-нинг вакиллари, Чингиз оғанинг китобларини чоп этган Европа ноширлари, турли мамлакат-лардан келган ёзувчилар умумхалқ мотамига шерик бўлдилар. Эсимда, “Қирғизфильм” кино-студияси “Айтматов билан вилолашув” номли ҳужжатли фильм ҳам яратганди.

Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ўзи айтгандай якун топди. Ҳаёт дегани чиндан-да “оптимистик якун топадиган фожиадир”. У вафот этди, лекин ўзидан кейин инсон жони, унинг ҳис-туғйулари ва виждони тўғрисидаги мангу масалаларга бағишланган туғанмас маънавий-адабий мерос қолдирди. Бу мерос эндиликда бутун дунёга зарур, чуқки ҳозирги дунёда чинакам инсоний қадриятлар ўрнини истеъмолчи жамият қад-риятлари эгалламоқда ва одамларни Ч.Айтма-тов айтган ўша “манкурт”ларга айлантирмоқда.

Дарвоқе, 2025 йил 10 июнь куни “Чингиз Айтматов – туркий дунё келажаги” мавзуси-даги халқаро Форум бошланишидан олдин “Ота-Бейит” ёдгорлик мажмуасида Чингиз Айт-матовни хотирлаш маросими бўлди. Бу ерда мангу ором топан қатагон қурбонлари ва Чин-гиз Айтматовнинг ёркин хотираси ёд этилди, ёд-горлик пойига гулчамбарлар қўйилди. Қуръони карим оятлари тиловат қилинди.

Фирқимизча, “Ота-Бейит” қабристонидида қа-тагон қурбонлари ва Чингиз Айтматовнинг ёркин хотираси бирдек ёд этилгани замирида ўзига хос раъзий маъно бор. Чингиз Айтма-товнинг отаси – раҳбар лавозимларда ишлаган Тўрақул Айтматов 1937 йилда қатагон қилиниб, 1938 йилда отишга ҳукм этилган. Бу ерда у киши ва сафдошлари – қирғиз халқининг қатагонга дучор бўлган 138 нафар зиёли фарзанди шара-фига хотира мажмуаси барпо этилган.

Шу маънода, ушбу зиёрат туркий дунёнинг Чингиз Айтматов хотирасига яна бир юксак эҳтироми ифодасидир. Бинобарин, Чингиз оға билан вилолашув санасига 17 йил тўлган бўлса ҳам, севимли адибимиз гўёки ўлмагандек, ҳали ҳам орамизда юргандек. Зотан, унинг асарлари, гоёлари, эгу ишлари барҳаётлигини таъмин-лаб келмоқда.

Чингиз Айтматов ижодига бағишланган расмлар кўргазмаси

10 июнь куни Бишкек шаҳрида жойлаш-ган Гапар Айтиев номидаги Миллий тасвирий санъат музейида атоқли адиб Чингиз Айтма-товнинг ҳаёт йўли ва ижодидан руҳлиб ярат-илган расмлар кўргазмаси очилди. Ушбу мада-ний-маърифий тадбир халқаро Форум доира-сида ташкил этилди.

Аввало, Гапар Айтиев номидаги Миллий тас-вирий санъат музейи тарихи ҳақида мухтасар сўз: Ушбу музейга 90 йил олдин – 1935 йилда асос солинган. Дастлаб Қирғизистон расмлар галереяси деб аталган мазкур музейга кейинча-лик машҳур қирғиз рассоми Гапар Айтиев номи берилган. Музей Қирғизистоннинг етакчи ба-дий ҳазинаси бўлиб, бу ерда қарийб 18 мингта санъат асари жамланган.

Бугунги кунда бутун дунёда табиат, мада-ният, адабиёт ва санъатга эътибор айниқас ор-тиб бормоқда. Шу маънода, атоқли адибнинг фарзанди, Чингиз Айтматов Фонди президенти Элдор Айтматов ташаббуси билан Қирғизистон пойтахтидаги машҳур музейда ушбу кўргазма ташкил этилгани ҳар қанча таҳсинга сазовор. Бу ҳақда фикр юритганда, ҳозирги жаҳон ма-даниятшунослигида “Айтматовшунослик” деб ном олган мустақил йўналиш тарқиб топанга ва изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёзувчининг ижоди ва асарлари ҳақида юзлаб мақолалар, тақризлар, фикрлар, илмий тадиқотлар ёзилган. Бугина эмас, Ч.Айтматов оммабоп ва ўта обрўли нашрларнинг, газета-лар, журналларнинг ардоқли муаллифи эди.

Ақсарият мамлакатларнинг оммавий ахбор-от воситалари уларининг радиоэфирларини ва телеэкранларини Чингиз Айтматовга тақдим этган пайтлар кўп бўлган. Дунё ижтимоий-сиё-сий ва маданий ҳаётидаги барча муҳим воқеа-лар ҳақида ёзувчининг фикри Шарқ ҳамда Ғарб китобхонлари, газетхон – журналхонлари ва то-

мошабинлари учун ҳам нуфузли ва қизиқарли эди.

Чингиз Айтматов асарларининг ўта жозибали бўлиши муаллиф ақл-идрокининг фалсафий мантиғи самарасидир. Аспиди, унинг китоблари кишини сеҳрлаб қўяди, теран ҳаёлга чўмишга ундайди, нафис иқтидори ва гуманистик яхлит-лиги билан фарқланиб туради. Шунинг учун дунёда Айтматов ижодининг ихлосмандлари бисёр.

ЮНЕСКО маълумотларида адиб асарлари-нинг жаҳоншумул муваффақияти, унинг бутун дунёда тан олиниши билан боғлиқ қуйдаги хабарлар эълон қилинган: ХХI аср бўсағасида Ч.Айтматовнинг асарлари 168 та мамлакатда, 165 та давлат тилида, 67,2 миллион нусхада, 830 марта нашр этилган. Бу рақамлар, албатта, кундан-кун ортиб бормоқда. Адибнинг кўплаб асарлари асосида фильмлар ва саҳна асар-лари яратилган бўлиб, улар қизиқиш билан то-моша қилинади.

Чингиз Айтматов уй-музейига Ўзбекистонда нашр этилган китоблар тақдим этилди

10 июнь куни Форум иштирокчилари Бишкек шаҳрида жойлашган Чингиз Айтматов уй-му-зейини зиёрат қилдилар. Меҳмонларни атоқли адибнинг фарзанди, Чингиз Айтматов Фонди президенти Элдор Айтматов кутиб олди.

Уй-музей кутубхонасига Ўзбекистонда атоқли адиб ҳаёти ва ижодига бағишлаб чоп этилган янги китоблар тақдим этилди. Бу нашрлар ора-сида каминанинг қаламига мансуб “Чингиз Айт-матов феномени” (“Феномен Чингиза Айтма-това”) ҳамда “Чингиз Айтматов: мумотз адаби-ётнинг олтин ҳикматлари” (“Чингиз Айтматов: золотые афоризмы классической литературы”) номли китоблар ҳам бор.

Ушбу китобларнинг дастлабқиссида мумтоз адибнинг ижодий мероси ва дипломатик фа-олияти ҳақида сўз боради. Чингиз Айтматов асарларидан хабардорлигим, шунингдек, кўп йиллар давомида Тошкент ва Москва, Па-риж ва Брюссель шаҳарларида ёзувчи билан шахсан бўлиб ўтган суҳбатларимиз асосида тутилган унутилмас таассуротлар ва фикр-му-лоҳазаларим қозоғза туширилган. Кейинги ки-тобдаги Чингиз Айтматов асарларидан териб олинган ноёб ҳикматли сўзлар буюк адибнинг номи зукко файласуф ва инсонпарвар си-фатида мангуликка дохиллигича қолишидан аққол далолатидир.

Ўзбек халқи улуғ қирғиз адибининг ақсарият асарларини ўз она тилида анчадан буён ва қай-та-қайта мутлоаа қилиб келмоқда. Кейинги йил-ларда мамлакатимиз наشريётларида адибнинг ўнлаб китоблари чоп этилган. Айниқса, 2015 йилда ёзувчининг 6 жилдлик “Тўла асарлар тўп-лами” нашр этилгани ўзбек китобхонлари учун ажоиб тўғфа бўлди. Бу асарларни таржима қи-лишда Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев каби етакчи таржумонларнинг юксак маҳорати ва фидойиларча ижодий меҳнати таҳ-синга лойиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 апрелда қа-бул қилинган “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори айни маъ-навий-маърифий жараёнга қучли туртки берди. Хусусан, 2023 йили Чингиз Айтматов таваллуд-ининг 95 йиллиги муносабати билан “Ўзбекис-тон” нашриётида “Чингиз Айтматов. Асарлар” 10 жилдлик тўплами чоп этилгани катта маъна-вий-адабий воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг “Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди”, деган фикрлари бежиз эмас. Чуқки юртимиз, минтақамиз ва бутун туркий дунёда бу улуғ ижодкорнинг китоблари кириб бормаган бирор хонадонни, унинг гўзал қисса ва роман-ларини ўқимаган, улар асосида яратилган ки-нофильмларни томоша қилмаган бирон-бир ки-шини топиш қийин.

Чингиз Тўрақулович дунё фуқароси эди. Унинг чуқур бадий-фалсафий қарашлари, қаҳрамонларининг ҳаётга бўлган муҳаббати чексиз эди. Атоқли адиб ўз ижодида жаҳон ада-биётининг халқ ҳаёти билан боғлиқ йўналишла-рини тадиққ этди. У Шарқнинг чуқур фалсафаси ва Европа адабиётининг энг сара аънанала-рини ўзида муҷассамлаштирди.

Чингиз Айтматов – туркий дунё адабиётининг энг улкан намояндасидир. Шундай экан, кел-гусида Чингиз Айтматов тўла асарлари элек-трон тўпламини нашр этиш, Айтматовшунослик жаҳон конгрессини ўтказиш, улуғ адиб издош-лари – ёш ёзувчилар форумларини ташкил этиш лозим, деган фикрдамиз.

Чингиз Айтматов – туркий дунё келажаги

Бишкек шаҳрида улуғ адиб хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро Форум айнан шундай номланганини қайд этгандик. Форум да-вомида ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти Бош ко-тиби, таниқли қирғиз адаби Султон Раев “*Чин-гиз Айтматов – туркий халқлар ўртасидаги олтин кўприкка ўхшайди*”, деган ҳикматли ибо-рани тилга олди.

Аспиди ҳам, Форум том маънода адиб ме-росини ва унинг туркий дунё келажаги учун аҳа-миятини муҳокама қилиш майдонига айланди. Иштирокчилар ўзгараётган жаҳон тартиби ша-роитида туркий маданиятни сақлаб қолишнинг муҳимлигини таъкидладилар.

ТУРКСОЙ Бош котиби қайд этганидек, “*Биз яшаётган дунё шиддат билан ўзгармоқда: кучлар мувозанатни силжияпти, чегаралар ўз-гараяпти ва технологиялар ривожланишда да-вом этмоқда. Бироқ, бундай ўзгаришлар ора-сида инсоннинг руҳи, виждони ва асосий қад-риятларини сақлаб қола оламизми? Мана шу савол устида чуқур ўйлаб кўриш керак*”.

Чингиз Айтматовнинг туркий дунё учун аҳа-миятига урғу берар экан, Султон Раев шундай деди: “*У нафақат қирғиз халқининг, балки бу-тун туркий дунёнинг умумий қадрияти, уму-мий овози ва умумий онедир. Унинг асарлари туркий халқларнинг бутун дунёга етказилган бадий сўзидир. Айтматов инсониятга тур-кий маданиятни танитган мутафаккирдир*”.

Ўз навбатида, Чингиз Айтматов халқаро ин-ститути раҳбари профессор Иляс Тупсакал тур-кий маданий аънаналарни ўрганиш ва тарихий онгни тадиққ этишнинг муҳимлигига эътиборни қаратди. У Чингиз Айтматов асарларида тур-кий дунёнинг умумий қадриятлари акс этганини қайд этди.

Иляс Тупсакалнинг фикрича, буюк инсонлар-нинг ҳаёти халқлар ҳаётига ўхшайди. Улар мил-латимиз ўтмишининг кўзгуси ҳам, келахатнинг пойдевори ҳамдир. Шу маънода, улуғ адибнинг асарлари тарихимиз, муҳаббатимиз, умиди-миз ва дардимиз ҳақида ҳикоя қилади. Бу асар-лар туркий халқлар ёшларига уларнинг ўтмиши ҳақида сўзлаб беради ва келахакка йўл кўрса-тади.

Чингиз Айтматовнинг: “Мен учун ўзбеклар ва қирғизлар бир халқ, бу менинг халқим” де-ган машҳур сўзлари бор. Яхши биламизки, ХХ асрнинг 80-йилларида собиқ марказ томони-дан уюштирилган “Ўзбек иши,” “пахта иши” каби адолатсиз сиёсий кампаниялар пайтида Чингиз Айтматов адолат ва ҳақиқат жарчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва қадр-қимматини мард-ларча ҳимоя қилган.

Форумда камина шупар ҳақда ҳам тўхтал-дим. Бинобарин, буюк адиб давлатимиз томони-дан “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орден-лари ҳамда Туркий давлатлар ташкилотининг Алишер Навоий номидаги муқофоти билан тақ-дирланган. Улуғ адиб хотирасини абадийлашти-риш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига унинг номи берилгани ҳам биз учун жуда муҳим.

Чингиз Айтматов – элчи ва халқ дипломати

Дипломатия тарихи дипломатик фаолият би-лан адабиёт ва ёзувчи маҳорати ўртасида тигиз боғлиқлик борлигини кўрсатади. Чингиз оғанинг таъбири билан айтганда, “*Ёзувчи билан дипло-матнинг касблари бир-бирига ўхшаб кетади. Униси ҳам, буниси ҳам халқларни яқинлашти-ради, фақат, албатта, ҳар бири ўш моҳиятига қараб иш кўради*”.

Чингиз Айтматов деярли 80 йиллик умрининг қарийб 20 йиллини элчи мартабасида ўтказди. Дастлаб буюк термоядор мамлакатининг, сўнгра советлардан кейинги энг йирик Россия давлатининг, кейинги 15 йил ичида эса ўз ва-тани – кичкинагина тоғли мамлакатнинг буюк элчиси сифатида кўп йиллик дипломатик йўлни муваффақият билан босиб ўтди.

Чингиз Айтматов – жаҳон дипломатияси та-рихида учта давлатнинг Люксембург Буюк Герцоглигида собиқ СССРнинг биринчи ва Рос-сия Федерациясининг биринчи элчиси, Қирғиз Республикасининг биринчи элчиси (айни вақтда ўриндошлик билан тўртта мамлакатда: Бельгия, Франция, Нидерландия ва Люксембург Герцог-лиги қиролликларида, яъни “Бенилюкс” давлат-ларида элчи) эди.

Чингиз оға бир томонлама дипломатия май-донидидагина эмас, балки кўп томонлама дипло-матия майдонида ҳам дипломатик фаолият олиб борди. Ч.Айтматов Европа ҳамжамият-лари Комиссиясида, НАТО ва ЮНЕСКОда ўрин-дошлик асосида Қирғизистоннинг биринчи до-имий вакили эди. Бундан ташқари у бошчилик қилган элчихона Қирғиз Республикаси ҳукумати-нинг Жаҳон Божхона ташкилоти, Халқаро ар-битраж суди ва бошқа бир қанча халқаро ташки-лотлардаги доимий вакили вазифасини бажарган. Яна бир муҳим жиҳат: Чингиз Айтматов эл-чилик вазифасига расмий тайин этилмасдан ол-дин “Иссиққўл Форуми” халқаро ҳаракатининг асосчиси ва узлуқсиз раҳбари сифатида халқ дипломатияси соҳасида фаол иш олиб борган. Улуғ адибнинг ташаббуси билан “Иссиққўл Фо-руми” турли маданий тамаддунлар туташган жойда пайдо бўлди.

Иссиққўл Форумини Рим клубининг Осиё-даги йўлдоши деса бўлади. Кўпгина ҳолларда уларни бир-бирига ўхшатадилар ва Иссиққўл Форуми – Рим клуби билан маънавий жиҳатдан яқин, дейдилар.

Янада эътиборлиси, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “*Улуғ адиб на-фақат бетақорр ва гўзал асарлари, айни пайтда, жўшқин ижтимоий фаолияти билан ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳам-жихатлиқни, яхши қўшничилик муносабатла-рини ривожлантириш борасида катта хизмат қилди. У, хусусан, 1995 йили Тошкентда таш-кил этилган Марказий Осиё халқлари мадани-й ассамблеясининг ташаббускорларидан бири бўлган эди*”.

Марказий Осиё халқлари маданияти ассам-блеяси, таъбир жоиз бўлса, минтақамиз учун ўшанда ЮНЕСКО вазифасини ўтаган. Мазкур Ассамблея ҳатто бугунги ТУРКСОЙ халқаро ташкилотининг пойдевори, ўзига хос дебочаси, десак бўлади. Шу нуқтаи назардан, Чингиз Айт-матовнинг ҳаёт ва ижод йўли туркий дунёда қанча кўп ўрганилса, шунча мақбул, зарур ва манфаатлидир.

Хулоса қилиб айтганда, Бишкек Форумида Чингиз Айтматовнинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, минтақамизнинг порлоқ келажагини таъминлаш, туркий халқлар ўртасидаги дўстлиқни мустаҳкамлаш ва бутун инсониятни асраш йўлида катта сазй-ҳаракатлар қилгани атрофлича эътироф этилади.

Бинобарин, 2028 йилан бутун дунёда Чингиз Айтматов таваллудининг 100 йил-лиги кенг нишонланади. Ушбу кутлуғ санага тайёргарлик доирасида яна кўплаб китоблар нашр этилиши, тасвирий санъат асарлари, ҳужжатли ва бадий фильмлар яратилиши, адибнинг уй-музейи тубдан модернизация қилиниши кутилмоқда.

